



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
INNOVATSION
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

**ҚИЁСИЙ АДАБИЁТШУНОСЛИК,
ЧОҒИШТИРМА ТИЛШУНОСЛИК ВА
ТАРЖИМАШУНОСЛИК: МУАММО,
ЕЧИМ ВА ИСТИҚБОЛЛАР**

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ

МАТЕРИАЛЛАРИ



Бухоро - 2021

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР ФАКУЛЬТЕТИ

НЕМИС ВА ФРАНЦУЗ ТИЛЛАРИ КАФЕДРАСИ

**ҚИЁСИЙ АДАБИЁТШУНОСЛИК,
ЧОҒИШТИРМА ТИЛШУНОСЛИК ВА
ТАРЖИМАШУНОСЛИК: МУАММО,
ЕЧИМ ВА ИСТИҚБОЛЛАР**

Халқаро илмий-амалий анжумани

7 июль 2021 йил

Бухоро – 2021

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 78-сонли фармойиши, 1-иловасига асосан ўтказилган халқаро конференция материаллар тўпламига замонавий тилшунослик, таржимашунослик, адабиётшунослик ва чет тили ўқитиш методикасининг долзарб муаммоларига доир илмий маърузалар ўз аксини топган.

Мазкур “Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик: муаммо, ечим ва истиқболлар” мавзуидаги халқаро конференция Бухоро давлат университети Хорижий тиллар факультети Немис ва француз тиллари кафедраси ташаббуси билан ўтказилмоқда.

Ушбу тўпламга халқаро илмий конференция қатнашчилари, республика ва хорижий олийгоҳлар профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходим изланувчилари ва тадқиқотчиларининг илмий мақолалари киритилган.

Масъул муҳаррирлар: ф.ф.д., профессор М.М.Жўраева
ф.ф.д., профессор М.Қ.Бақоева

Таҳририят аъзолари: ф.ф.д., профессор М.М.Жўраева
ф.ф.н, доцент З.И. Расулов
катта ўқитувчи Д.Ҳ. Каримова
ф.ф.ф.д., доцент О.М.Файзуллаев
ф.ф.н, доцент М.Н.Ҳикматова
ф.ф.ф.д., доцент О.И.Адизова
ф.ф.ф.д., катта ўқитувчи Н.Б.Кулдашова
катта ўқитувчи М.М. Маҳмудова
катта ўқитувчи С.С.Худоев
таянч докторант Ў.Ҳ.Мавлонова

Тақризчилар: ф.ф.д, профессор Ж.А. Якубов
ф.ф.н., доцент Р.Р. Бобокалонов
ф.ф.ф.д, Я.Б. Рўзиев

Дизайнер:

ф.ф.ф.д., катта ўқитувчи Н.Б.Кулдашова

15. Ruziev Y., Khudoev S., Rakhmatov A. THE USE OF THE PAST TENSES IN GERMAN AND ENGLISH. ACADEMICIA. An International Multidisciplinary Research Journal (Double Blind Refereed & Peer Reviewed Journal) ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 6, June, 2021. <https://saarj.com/wp-content/uploads/paper/ACADEMICIA/2021/FULL-PDF/ACADEMICIA-JUNE-2021/6.12,%20Yarash%20Ruziev.pdf>

16. Кулдашова Н.Б. Француз ва ўзбек тилларида спорт терминологиясининг миллий-маданий хусусиятлари. PhD илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Б., 2020. –Б. 1-148.

17. Kuldasheva N.B. THEORETICAL VIEW POINTS OF LINGUISTS ON TERMINOLOGY. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) 2019 Issue: 12 Volume: 80. 2019. – P.<http://T-Science.org>:

18. GulchehraHojiyeva. NATIONAL IDENTITY AND LINGUISTICAL ANALYSIS OF TRANSLATION OF ART TERMS IN UZBEK LANGUAGE. Journal of Contemporary Issues in Business and Government. P-ISSN: 2204-1990. Vol. 27, No. 2, 2021. Pages 1651-1660. DOI: 10.47750/cibg.2021.27.02.174https://cibg.org.au/article_9597.html

19. Kuldasheva N.B., Kuldashev A. SOME DIFFERENT DIFFICULTIES IN SPORTS EXERCICES. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Year: 2019 Issue: 12 Volume: 80 Published: 30.12.2019, <http://T-Science.org>:

АРХАИЗМ ВА ИСТОРИЗМ ҲАҚИДА

Норова Мохитобон
БухДУ Немис ва француз тиллари
кафедраси ўқитувчиси

Мазкур мақолада «историзм» ва «архаизм» терминлари ва унинг мазмун-моҳияти, «историзм» ва «архаизм» терминлари тўғрисида олимларнинг илмий-назарий қарашлари ҳақида сўз боради. Шунингдек, бу борада хориж ва ўзбек олимлари томонидан яратилган тадқиқотлар ҳамда ўзбек тилшунослик тарихида историзм ва архаизмларнинг ўрни ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: архаизм, историзм, семема, эски қатлам, дудоқ (лаб), тилмоч (таржимон), улус (халқ), ёғи (душман), амин, пристав, мингбоши, нойиб

ABOUT ARCHAISM AND HISTORISM

Norova Mohitobon
Bukhara State University
Lecturer at the Department of
German and French Languages

The article examines the terms "historicism" and "archaism" and their essence, scientific and theoretical views. There are also studies by foreign and Uzbek scholars on the role of historicism and archaisms in the history of Uzbek linguistics.

Key words: archaism, historicism, old layer, ulus (people), yogi (enemy), amine, minboshi.

Жамият тараққиёти тил қонуниятлари ва ижтимоий борлиқнинг объектив қонуниятлари билан белгиланади. У тизим сифатида доим ҳаракатда, ривожланишда бўлиб, бу унинг ижтимоий моҳиятидан келиб чиқади: тил ва жамият, тил ва онг, тил ва тафаккур ўртасидаги икки томонлама ассоциатив алоқадорлик уларнинг бир-бирига таъсирини белгилайди – жамиятда бўлиб турадиган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, илмий-техникавий тараққиёт, иқтисодий ва маърифий соҳалардаги ислохотлар тилнинг луғат бойлигида янги-янги сўз ва атамаларнинг юзага келишини, сўз маъноларининг ўзгариши, семик муносабатлардаги муаммоларни, шу билан бирга, маълум сўз-лексемаларнинг эскириб, тарихий категорияга айланишига олиб келади. Тилдаги бундай жараён луғат бойлигида историзм ва архаизм каби лексик бирликларни юзага келишига олиб келади.

Ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар баъзи тушунчаларнинг эскириб, амалиётдан тамомила чиқиб кетишига олиб келади. Бадиий асарда муайян давр воқеалари тасвирланар экан, ана шу даврга оид бўлган эски тушунчаларга мурожаат қилмасликнинг асло иложи йўқ. Тилшуносликда бундай тушунчаларни ифодалайдиган сўзлар «архаик сўзлар» ва «историзм – тарихий сўзлар» деган номлар остида умумлаштирилади. Тилнинг ҳозирги даври учун эскилик буюғига эга бўлган тил бирлиги «архаизм» деб юритилади. [Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. Т., 2006, Б.-107]

Маълумки, бугунги адабий тил нуқтаи назаридан эскилик буюғига эга бўлган сўзлар эски қатламни ташкил қилади. Эски қатламга оид сўзлар асосий фарқли хусусиятларига кўра икки турга бўлинади: 1) **тарихий сўзлар (историзмлар)**, 2) **архаизмлар**. [Ҳозирги ўзбек адабий тили. Қ., 2006]

Ҳозирги кунда тилшуносликда қўлланилмайдиган, йўқ бўлиб кетган нарса, ходисаларнинг номи **историзмлар** дейилади. Маълум даврларда бор бўлган нарса вақтлар ўтиши билан ҳаёт тақозасига кўра йўқ бўлиб кетиши мумкин. Нарса йўқолгач, қўлланишдан қолгач, табиийки, уни ифодалаган сўзлар ҳам истеъмолдан чиқиб кетади, тарихий сўзга айланади. [Ҳозирги ўзбек адабий тили. Қ., 2006, Б.-37]

Эскириб истеъмолдан чиққан, аммо ўз эквивалентига, синонимига эга бўлган сўзлар **архаизмлар** дейилади. Архаизмлар бугунги кунда

мавжуд бўлган нарса-ходисаларнинг эскириб қолган атамалари ҳисобланади.[Ҳозирги ўзбек адабий тили. Қ., 2006, Б.-39]

Архаизм (юнонча *archaios* – қадимги, кўхна) эскириб, истеъмолдан чиқиб қолган, ҳозирги тилимизда синоними мавжуд бўлган сўз ва ибора. Архаизмларнинг лексик, фонетик, морфологик ва фразеологик каби кўринишлари мавжуд. Архаизмлар бадий адабиётда ўтмиш манзараларини акс эттириш, давр руҳини ҳаққоний ва ишонарли ифодалашда, нутқ оҳангининг тантанаворлигини таъминлашда услубий восита сифатида ишлатилади.[Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. Т., «Янги аср авлоди», 2010, Б.-53]

Архаизм қаторидаги сўзлар ўтмишда фаол қўлланган, бироқ вақт-замон ўтиши билан ишлатилиш частотаси ўта сусайган ёхуд ўрнини туб ёки ўзлашмаларга бўшатиб беришга мажбур бўлган лексик бирликлар назарда тутилади.

Мисоллар: **дудок** (лаб), **тилмоч** (таржимон), **улус** (халқ), **ёғи** (душман), **ирин** (лаб), **дирам** (танга), **илик** (кўл), **бўрк** (телпак), **ораз** (юз), **қопқа** (дарвоза), **алам**, **ялов**, **туғ** (байроқ), **фалак** (осмон), **муаррих** (тарихчи), **черик** (кўшин), **Жайхун** (Амударё), **Сайхун** (Сирдарё), **Шош** (Тошкент), **Кеш** (Шаҳрисабз), **Насаф** (Қарши) кабилар.

Сўзларнинг архаиклашиши турли сабаблар билан бўлиши мумкин. Тилда нарса-ходисаларни ифодаловчи бирдан ортиқ сўз бўлса, тил қонуниятлари талабига жавоб берадиганлари истеъмолда қолиб, бошқаси секин-аста истеъмолдан чиқа бошлайди ва у ўз синонимига нисбатан эски сўзга айланади. Демак, синонимлар нутқда бир хил, тенг ишлатилмаслиги натижасида уларданбаъзилари архаизмга айланади. Умуман, архаизмларнинг туғилиш сабабларини изоҳлаш кўп ҳолларда қийин бўлади.

Юқорида айтилганлардан англашиладики, архаизм ҳам, историзм ҳам эски сўз. Бу жиҳатдан улар ўзаро алоқадорликка эга. Лекин шундай бўлса-да, архаизмлар билан историзмлар ўртасида талай фарқлар мавжуд. Бу фарқларнинг баъзилари қуйидагилар:

1. Архаизм ҳозирги кунда мавжуд бўлган нарса-ходисаларнинг атамаси. Историзм эса бугунги кунда мавжуд бўлмаган нарса, ходисаларнинг атамаси.
2. Архаизмларнинг замонавий қатламда ўз синонимлари бор бўлади, у ўз синонимлари билан бирга қўллана олади. Историзмларнинг эса синонимлари бўлмайди.
3. Архаизмларнинг эскирганлиги унинг синонимларига қиёсан баҳоланади. Историзмда эса бу имконият йўқ. Историзмларнинг эскирганлиги даврга кўра баҳоланади.
4. Историзм бирдан-бир, яқка ном, унинг ўрнини босувчи сўз йўқ. Архаизм эса бир неча номлардан бирининг эскиргани; унинг ўрнини босувчи сўз бор.

5. Архаизм тил тарихига ва тилнинг ҳозирги ҳолатига кўра баҳоланади. Историзм эса фақат тил тарихига кўра баҳоланади.

6. Архаизм асосан тилнинг ўз тараққиёти қонунлари билан изоҳланувчи ҳодиса. Историзм эса жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, маданий тараққиёти тарихига кўра изоҳланади

7. Историзм фақат аташ (номинатив) вазифани бажаради. Архаизмлар ҳам аташ, ҳам услубий (стилистик) вазифа бажаради.

8. Архаизмлардан услубиятда (стилистикада) ҳамда давр калоритини беришда фойдаланилади. Историзмлар эса фақат давр калоритини яратишда ишлатилади.

9. Историзмни нолисоний омил туғдиради. Архаизм эса лисоний омиллар асосида вужудга келади. [Ҳозирги ўзбек адабий тили. Қ., 2006, Б.-41]

Архаизмлар бадиий асарларда давр руҳини, тарихий шароитни кўрсатиш учун, шунингдек, нутққа тантанавор, кўтаринки, жўшқин, назокатли руҳ бериш мақсадида ишлатилади.

Мисоллар: Отабек уларнинг **тотиқларини** хўп бошлаб берди (А.Қодирий).

Сароб гирдоблари орқада қолди, толе **қопқасини** қоқдим асабий (М.Кўшмоқов).

Кумушбибининг сезилар-сезилмас кулимсирашидан ёқутдек **иринлари** остидаги садафдек оқ тишлари кўриниб кетди (А.Қодирий).

Архаизмлар ҳажвий ва кулгили асарларда ҳазил-мутойиба, масхара, киноя руҳини ҳам бериши мумкин. Масалан: Қассоб ўрнидан туриб, чунтак кавлашга тушди. – Мана бизни **ашъор!** – деди шимининг ўнг чўнтагидан бир варақ қоғоз чиқариб. – Мана, ана буниси қизик, секретарь қизга беш сўм бериб, машинкада чоп қилдирганман. Қишда павильонга от гўшти келганда ёзган эдим (Н.Аминовнинг «Қассоб шоир» ҳажвиясидан). [Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2006, 28].

Ўрни келганда шуни таъкидлаш лозимки, архаизмларнинг баъзилари вақтлар ўтиши билан тилда қайта тикланиши, фаол сўзлар қаторидан ўрин олиши мумкин. Сўнгги йилларда бир вақтлар сунъий равишда истеъмолдан чиқарилган, архаик сўз сифатида баҳоланган талай сўзлар тилимиз луғаттаркибидан яна ўз ўрнини эгаллади. Вазир, вилоят, муҳаррир, котиб, маъруза, матн, чипта, бекат, фуқаро, дастур, муҳр, ҳакам, мадҳия, рукн, фоиз, фаввора, ҳоким қабилар шулар жумласидандир. [Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2006, 36].

Эскирган нарса ва ҳодисаларнинг эскилик буёғига эга бўлган, тарихий номларига *историзм* ёки *тарихий сўзлар* дейилади. Историзм юнонча сўз бўлиб, *historia* - «текшириш», «тадқиқот» демакдир. Масалан, *хул*, *чўри*, *хулоц*, *батрак*, *ноиб*, *парвоначи*, *садр*, *жарчи*, *жаллод* каби.

Ўзбек тили лексикасида историзмларнинг жуда кўп гуруҳлари мавжуд. Масалан, 1) *касб-ҳунар*, *мансаб*, *амал*, *ун вон номлари*: *султон*, *хон*, *қул*, *дарвеш*, *амин*, *закотчи*, *жаллод фаррош*, *чоракор* ва *боницалар*; 2) *мактаб*,

маорнфга оид тупгунчаларнинг ҳамда баъзи хужжатларнинг номлари: мулла, халфа, абжсад, ҳафтияк, васиқа, ваҳф, маҳзар ва бошқа; 3) ҳарбий тупгунчаларнинг номлари: шамшир, совут, садоҳ (ўқдон), сарбоз, навкар ва бошқа; 4) озиҳ-овҳат номлари: кўмач, зогора, ёрма, бода (май), тутмоч (ҳамир ош тури) ва бошқа; 5) ўлчов ва пул бирликларининг номлари: ботмон, ҳадох, чорак, таноб, чақирим, пуд, мисҳол, аржин ва бошқа; 6) этнонимлар: барлос, қипчоҳ, ўгуз, жалойир, қарлуҳ, чигил, ягмо, арлот, наймаи, минг, юз ва бошқа.

Историзмлар, асосан, сўз ва унинг маъноси эскиришидан тутилади. Бутуликмаънодаги историзм ҳисобланадивалексикисторизмдебномланади. Баъзансўзфақатмаъносигакўраэскиришимумкин. Бунда сўз янги даврда янги маънода қўлланаверади. Бунисемантик историзм дебюритилади. Масалан, бой - «феодал синфвакили» (зеки маъно, историзм), бой - «бадавлат», «лаёҷатли», «сероб», «мўл» (янгимаъно).

Тилда нарса ва ҳодисаларнинг янги ва эски номлари синонимикқаторни ҳосил қилади. Эскилик буёғи бор тил бирликлари сифатида архаизмлар оз микдорда грамматикада ҳам учрайди. Масалан, 1. Пухта ўйладинтму? Кейин пушаймон чекмайсанму? (О. Ёқубов). 2. — Қаниортимданюр, сенгаайтадурганянабирсўзим бор! (О. Ёқубов)

Лексикархаизмлардаархаизм-лексема ваархаизм-семемафарқланади. Архаизм лексемадасўз архаизм бўлади. Масалан, ҳандаса (геометрия), ҳикмат (физика), чопархона (почтахона) каби.

Архаизм-семемадасўзэмас, балки маънолариданбириархаизмбўлади. Масалан, афандисўзининг «ўҳитувчи» маъноси, тикмоқсўзининг «экмоқ» маъносиархаизм. Сўзлар баъзи фонетик шаклларида ҳам архаизм булиши мумкин. Шунга кўра қуйидаги сўзларнинг аввалги фонетик шаклларизамонавий шаклларга нисбатан архаизм ҳисобланади. Қиёсланг: лузум-лозим, лузумсиз-лозиммас, эжод-ижод, ичинда-ичида, ўлди-бўлди, ўлмас-бўлмас; иваз-эваз, зиҳн-зеҳн.

Архаизмлар нутқда маълум мақсадга кўра қўлланилади. Айниқса, бадий нутқда архаизмларнинг қўлланилиши муайян услубийаҳамиятта кўра амалга оширилади. Масалан, Сароб гирдоблари орқада қолди, Толе ҳопқасини қокдим асабий (М. Қушмоқов). Зам он шқддатиникилолмайҳисоб, Ер чизиб турибди ёш бир мунажжим (А. Орипов).

Мисралардаги қопқа (эшик), мунажжим (астроном) архаизмларибадийликни ошириш мақсадига кўра қулланган. [Ўзбек тили практикуми. 2005, 71].

Шундай килиб, тил луғат таркибидаги сўзлар уч хусусиятига кўра фарқланади: замонавийлиги, эскирганлиги, янгилиги. Сўзнинг янгилигиёки эскилиги сўзнинг тилда пайдо бўлиш даврига кўрадир. Сўзнингқўлланилувчанлиги ва эскирганлиги лексемаларнинг вазифасига

кўрафаоллиги ёки суслигига кўрадир. Тил таркибидаги сўзларкелтирилган мезонлар асосида икки катта гуруҳга ажратилади: а) эскисўзлар катлами; б) янги сўзлар катлами.

Эски сўзларкатламигаикки турдаги ходиса киради. Буларни тилшуносликда историзмларёкитарихийсўзларваархаизмлардебюритилади. Аммо шу кунга қадар тилшунослар орасидабуиккигуруҳгакирувчисўзларнитурличатушинишсодир бўлмокда. Бу нарса историзмларни архаизмларданажратишмасаласиничалкаштиради. Масалан, айрим тилшунослар: К. М.Галкина-Федарчук, К.В.Горшков,Н.М.Шанский «Современный русский язык», И.С.Волгина,Д.З.Роденталь, М.И.Фанина, В.В.Цапукевич «Современный русский язык», Ш.А.Рахматуллаев «Архаизм ва историзм» номли асарларидаисторизмлар билан архаизмлар эски сўзлар катлами деган умуман номбилан атаб, историзмларни ўтмиши вокелигини аташ зарурати туфайли ишлатилган сўзлар, архаизмларни эса у ёки бу тушунчанинг бошқачаатамаси деб қараса, иккинчи гуруҳ тилшунослар: С. Кенесбаев, Г.Мусабаев«Ҳозирги казак тили» номли ишида эски даврдаги жамиятдаги белгилибир тушунчаларга, эскиодатларга боғлиқ сўзларни архаизмлар дебҳисобламайдилар. Учинчи гуруҳга кирувчи тилшунослар: Р.А.Будагов,«Введение в науку о языке», А.Н.Гвоздев «Очерки постлистике русскогоязыка» номли асарларида эскирган сўзларнинг ҳаммасини архаизм деб атаб, мос тушунчаларнинг эскириши, тамом булишига боғлиқкулланишдан қолиб бораётган сўзларни архаизмнинг биринчи гуруҳи, яъниисторизмлар, бир тушунчанинг эскирган атамаси сифатида учровчисўзларни услубий архаизмлар, архаизмнинг услубий қўлланиши дебҳисоблайди.[Ҳозирги ўзбек адабий тили. Қ.,2006]

Ҳақиқатдан ҳам эски сўзларнинг тарихий даврлар давомида белгилибир тушунчаларнинг номи сифатида қўлланилиб, жамият ривожланиши билан қўлланишдан қолган сўзларни тарихий сўзлар ёки историзмлар деб аташ, у ёки бу тушунчанинг эскирган номи сифатида ҳисобланадиган бўлагини архаизмлар деб атаган маъқул.

Бадий асар тилидаги эскирган сўзларни таҳлил қилишда асар ёзилган даврни эътибордан четда қолдирмаслик керак. Чунки, «сўзлар ёзувчи яшаган, ижод этган даврдаёқ эскирган бўлиши мумкин бўлганидек, асар ёзилган даврда фаол истеъмолда булиб, кейинчалик истеъмолдан тушган» бўлиши мумкин.[Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари.2007, 58].

Историзм ва архаизм масалалари Ўзбек тилшунослигида кам ўрганилган масалалардан биридир. Бу ҳақда Ш.Рахматуллаев ўзининг «Архаизм ва историзм» номли мақоласида дастлабки маълумотни беради. Бунда архаизм ва историзмлар ҳақидаа қисқа маълумот берилади. Уларни бир-биридан фарқлаш масаласини қўяди. Кейинги даврларда нашр

этилган қатор дарслик ва қўлланмаларда: («Ўзбек тили лексикологияси», «Ҳозирги Ўзбек адабий тили») историзм ва архаизмларга таъриф беришва мисоллар келтириш билан чекланилади. [Тарихий романларда лексик қатламга оид сўзларнинг семантик хусусиятлари. 2014, 21].

Таъкидлаш лозимки, архаизм ўзи номлаётган воқеликни англатувчи лексик бирлик билан ёнма-ён яшайди. Архаизмлар бадиий матнда тасвирланаётган давр воқелигини реал тасвирлаш, асарнинг тарихийлик руҳини таъминлаш мақсадида қўлланилади. Ўрду- кўшин, ҳандаса-геометрия, тилмоч-таржимон, мирза-котиб, садр-раис, лак-юз минг каби сўзлари шлатилганда давр руҳи таъкидланган бўлади. Айрим архаик сўзлар замонавий маънодошига қараганда маънони кучлироқ ифодалаш хусусиятига эга бўлади. Масалан, йўқсил - камбағал архаик сўзларига эътибор берадиган бўлсак, «ҳеч нарсага эга эмаслик» маъноси йўқсил лексемасида камбағал лексемасига қараганда анча ортиқ, чунки мазкур сўзлар таркиби тарихий-этимологик таҳлил этилганида англанидиган йўқ-кам сўзлари қиёсланса, биринчисида айтилган белгининг нольдаражада эканлиги сезилади. Архаик сўзлар муайян даврнинг ёзма услубини ифодалашда ёки қаҳрамоннинг нутқий характеристикасини беришда ҳам услубий восита сифатида ишлатилади. Шеърийатда нутқда кўтаринки руҳ бағишлаш мақсадида ишлатилади:

Сиз кўкнинг қопқасин қоққан соатда
Куюш кўз уқалаб уйғонар эди. (Ғ. Ғулом)
Улуғшаҳарларнинг буйсирасида
Абадий ўринни топа олган Шош. (А. Орипов)
Не-не зилзиладан чиқолганомон
Манглайи ярқироқ макон санбуюк. (А. Орипов)

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги тилшуносликда ишлатилмайдиган, фақат тарихий воқеа ёки ҳодисаларнинг номини билдирувчи лексемалар историзм (тарихий сўзлар) ҳисобланади. Историзмнинг архаизмдан фарқи шундаки, бугунги кунда ўшата тарихий воқеликнинг ўзи ҳам уни англатувчи бошқа лексик бирлик ҳам бўлмайди, демак историзм ўзи ифодалаётган ҳодисанинг ягонаномидир. Масалан: амин, пристав, мингбоши, нойиб, элликбошикабилар бадиий матнда қўлланилганда китобхон ижгимойи бошқарув тизими билан боғлиқ тарихий воқеликни кўз олдига келтиради. Тарихий сўзлар ҳам бадиий матнда ўтмиш воқелигини реал ва ҳаққоний ифодалаш мақсадида қўлланилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. Т., 2006, Б.-107
2. Турахужаева А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Қ., 2006
3. Ф. Салаев., Г. Қурбониезов. Адабиётшунослик атамаларининг изоҳли сўзлиги. Т., «Янги аср авлоди», 2010, Б.-53
4. Ўзбек тили практикуми. Т., 2005, Б.-71.

5. Қличева Д. Тарихий романларда лексик қатламга оидсўзларнинг семантик хусусиятлари. Н., 2014.

6. Ўзбек тили лексикологияси. Т., «Фан» нашриёти, 1981, Б.-143.

7. Juraeva M.M. CATEGORY OF MODALITY: RESEARCH AND INTERPRETATION. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Volume: 86/6. 2020.– P. 149-154.<http://www.t-science.org/arxivDOI/2020/06-86/PDF/06-86-29.pdf>

8. Juraeva M.M. Theoretical Views of Concept, Frame, Tale-Concept, Tale-Frame in Cognitive Linguistics. International Journal of Engineering and Advanced Technology (IJEAT) Volume-8, Issue-5S3, 2019. – P. 392-395. <https://www.ijeat.org/wp-content/uploads/papers/v8i5S3/E10840785S319.pdf>

9. Kuldasheva N.B. THEORETICAL VIEW POINTS OF LINGUISTS ON TERMINOLOGY. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) 2019 Issue: 12 Volume: 80. 2019. – P.<http://T-Science.org>;

10. Kuldasheva N.B., Kuldashev A. SOME DIFFERENT DIFFICULTIES IN SPORTS EXERCICES. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Year: 2019 Issue: 12 Volume: 80 Published: 30.12.2019, <http://T-Science.org>;

11. GulchehraHojiyeva. NATIONAL IDENTITY AND LINGUISTICAL ANALYSIS OF TRANSLATION OF ART TERMS IN UZBEK LANGUAGE. Journal of Contemporary Issues in Business and Government. P-ISSN: 2204-1990. Vol. 27, No. 2, 2021. Pages 1651-1660. DOI: 10.47750/cibg.2021.27.02.174https://cibg.org.au/article_9597.html

12. Hojiyeva G.S. Linguvoculary Properties Of Art Terms (On The Example Of French And Uzbek Languages). International Journal of Progressive Sciences and Technologies (IJPSAT). ISSN: 2509-0119. Vol. 25 No. 1. February 2021, pp. 09-15 <https://ijpsat.ijsht-journals.org/index.php/ijpsat/article/view/2746/1628>

13. Jo'rayevaM.M., HojiyevaG.S.O'zbekcha-fransuzchafransuzcha-o'zbekcha lug'at(dictionnaire ouzbek-françaisfrançais-ouzbek). Musiqa va san'at sohasiga oid ikki tilli lug'at. Buxoro, 2019 . – B. 184.

14. Juraeva M.M. National-cultural similarities of uzbek and french folk tales. JCC Impact journals (ISSN (P): 2374-4564) International Journal of Research in Humanities, Arts and Literature. V. 3, Issue-2. IJRHAL. 2015. – P.51–56.

https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as_sdt=0%2C5&q=juraeva+malohat&btnG=

МУНДАРИЖА

Обиджон Хамидов. Таълим тизимидаги устувор вазифалар ва ютуқлар	3
Ф.Б. Ибрагимова. Учинчи ренессансга қўйилаётган қадамларилм-фан ютуқлари тимсолида	7
Отабек Сиддиқович Қаҳҳоров. Чет тилларини янада мукамал ўрганиш устувор йўналишдир	11

I ШЎБА. ТИЛШУНОСЛИК ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБ

МАСАЛАЛАРИ	13
Abdulhayrov Dilshod. Die entstehung der semantischen schattierungen von den lehnwörtern.....	13
Ахмеджанова Ситора Джураходжаевна. Асимметричные отношения означающего и означаемого в словесном знаке: полисемия/омонимия - синонимия/гипонимия	18
Ахмедова Камола Кудратовна. Межкультурная компетенция и межъязыковая прагматика.....	21
Акбаева Х.Б. Формирование банковской терминологии во французском языке и ее современное применение	25
Amonova Shohida Vali qizi. Fransuz tilida qo'llaniladigan sport terminlarining o'zbektilidagi muqobillarining o'xshash jihatlarini o'rganish masalalari	27
Artikova Mavjuda Maqsudovna. Translation and lingvoculturalanalyze terminology in the sphere of irrigation in teaching process in technical higher schools	32
Artikova Mavjuda Maqsudovna. Irrigatsiyaga oid ingliz va o'zbek tillarda terminalogiyalarning jihatleri va lingvomadaniy tasnifi.....	36
Атабоев Нозимжон Бобожон ўғли. Соса манбаларида морфологик бирликлар тадқиқи	40
Бегматова Р.Ф. Тилшунослик илмида хурмат функцияси ва унда юкламаларнинг аҳамияти	42
Odilshoh Bobokalonov. Fitonimiya va farmakofitonimiyani o'rganishning zamonaviy tendensiyalari.....	45
Бобокалонов П.Р. Фердинанд де Соссюр таълимотининг такомиллашуви	48
Bobokalonov Rajab. Analyse structurale des termes médicaux dans les langues franco-ouzbèke	52
Hayotova Dilafro'z Zoyirovna. Nemis va o'zbek tillarida "vatan" konsepti va uning lingvokulturologig talqini	55
Hojiyeva Gulchehra Salimovna. 'San'at' terminining fransuz va o'zbek tili lug'atlari asosida lingvo-madaniy tahlili.....	62
Isroilova Manzura Jamolovna. Yozma ommaviy axborot vositalarida frazeologik birliklarning ahamiyati	68
Kaljanov Ali. Single homonyms in karakalpak language.....	74

Karimova Dilafruz Halimovna. Grosse forschungen zur deutschen sprache	76
Норова Мохитобон. Архаизм ва историзм ҳақида	80
Носиров О.Т., Ниёзова М.Ш. В русской и узбекской языковых картинах мира.....	88
Орипова Камола Давлатовна. Француз тилида миллий ўзига хосликнинг ономастик муаммоси.....	100
Rakhimova Shakhnoza Rakhimovna. The interpretation of pshycologism in the short story “Luncheon” by W. S. Maugham	105
Rakhimova Shakhnoza Rakhimova. Psychologisms as the mean of the disclosure of the character short story “The verger” by W. S. Maugham	108
Рустамова Ф.И. Истоки и пути формирования терминосистем	111
Sattorova Zarnigor To’lqinovna. Fransuz va o’zbek tillarida ismlarning genetik va lingvokulturologik tahlili	115
Таирова М., Саидова О. Некоторые лексические особенности делового французского языка.....	120
M.Kh.Tairova, Z.Klimentova. L’utilisation du jeu comme support d’apprentissage d’une langue étrangère	124
Ubaydullayev Xurshid Shavkatovich. Turli tillardagi frazeologik birikmalarni o’zbek tiliga tarjima qilish xususida.....	128
Хаас Албина, Рўзиев Яраш Бозорович. Э.М.Ремаркнинг “Im westen nichts neues” романида феъл замон шаклларининг қўлланиши	131
Хаятова Нигина Икромджоновна. Психоллингвистика как наука о речевой деятельности в процессе обучения французского языка	141
Halimova Mahbuba. Chet tili fanini o’qitishda frazeologiya tushunchasi va uni qo’llash printsiplari.....	150
Khaitova Gulshan Bahodirovna. Agriculture terminology and its application. 153	
Nasriyeva Dilnoza. Fransuz va o’zbek tillarida tijorat va biznes terminlarining milliy–madaniy jihatlari	156
Jo’rayeva N.Sh. Evfemizmlarning gender xususiyatlari xususida.....	160
Рустамова Ф.И. Истоки и пути формирования терминосистем	163
Tursunov Mirzo Makhmudovich. Инсоннинг ўзини тутишига боғлиқ бўлган ва ақлий (интеллектуал) салоҳиятини ифодаладиган метафорик ибораларнинг лингвокогнитив таҳлили.....	167
Tursunov Mirzo Makhmudovich. “Инсоннинг жамиятда бажарадиган турли фаолиятлари билан боғлиқ метафорик ибораларнинг лингвокогнитив таҳлил.....	171
Rakhimova Shakhnoza Rakhimovna. The interpretation of pshycologism in the short story “luncheon” by W. S. Maugham	175
Rakhimova Shakhnoza Rakhimovna. Psychologisms as the mean of the disclosure of the character short story “The verger” by W. S. Maugham	178